



OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSİYALAR VAZIRLIĞI



TOSHKENT DAVLAT
SHARQSHUNOSLIK
UNIVERSITETI

TURKSHUNOSLIK FAKULTETI

TURK FILOLOGIYASI KAFEDRASI

“O‘ZBEKİSTON TÜRKSHUNOSLARINING I FORUMI”

materiallari to'plami



TOSHKENT - 2024

Mas'ul muharrir:

Sodiqov Q.

Filologiya fanlari doktori, professor

Taqrizchilar:

Shabanov Dj.K.

Filologiya fanlari nomzodi, dotsent

Tilavov A.X.

Filologiya fanlari nomzodi, dotsent

MUNDARIJA

1. Проф. Қосимжон Содиқов “Абу Малик бахши уйғур хатида күчирган мажмуа”	5
2. Проф. Karimov Baxtiyor Raxmanovich “O‘rta turk tili va o‘rta bitik yozuv tizimining turkiy tillar rivojidagi o‘rni”	12
3. Prof. Dr. Shoira Usmanova “Kaşgarli Mahmud’un “Divanu lugatit türk” eserindeki üst giysi adları”	18
4. Prof.Dr. Elçin İbrahimov “Bağımsızlı dönemi Özbekistan Cumhuriyeti’nde dil politikası”	22
5. Filol.f.d Yorqinjon Odilov “Tilda ijtimoiy qatlamlanish”	30
6. Doç.Dr. Tahir AŞIROV “Rusya imparatorluğu döneminde Taşkent’té yayimlanan mahtumkulu şiirleri: n. P. Ostroumov örneği”	35
7. Filol. f. d. (DSc) Hamidov Xayrulla Xudoyorovich “Soxta ekvivalentlik tushuncha”	40
8. Проф. Алимбеков Адҳамбек Камолович “Ўзбекистонда турк адабиётини ўрганиш тарихидан”	51
9. Elebesova Burul Bekkazievna “Kirgiz ve Türk şiirinde 'ömür' ve 'ölüm' kavramları”	58
10. Тилавов Абдумурод Холмуратович “Достонлардаги от образининг тарихий илдизларига доир”	69
11. Fil.ü.f.dok., Xidiyeva Mətanət Mirzəxan qızı “Azərbaycan və özbək dillərində məcazların leksik-semantik təhlili”	88
12. Phd. Salimova Zebo Rustam qizi “Turk tilida inson qiyofasini ifodalovchi fitomorf birliklar”	97
13. Farizat Kuramaeva “Çağdaş Kirgiz, Türk ve Azerbaycan dillerinde relikt hâl eklerinin gramatik anlamları”	102
14. Фил.ф.д., Холида Имамова “Турк тилида юқори даражали мурожаат турлари хусусида	111
15. Elbek O‘rol o‘g‘li Ro‘ziyev “Turkiy tillar tarixida siyosiy nutq taraqqiyotiga doir ba’zi mulohazalar”	121
16. Субҳонов Шермурод Шерқулович “XX аср турк шеъриятининг тадрижий босқичлари”	124
17. Sabirova Zuxra Shakirovna “Turk tilida ota tomonidan qarindoshlik nomlarining leksik xususiyatlari”	130
18. Zilola Djurayeva “Turk tilida turizm turlarini anglatuvchi atamalarning freym tahlili”	137
19. Алтундаг Мөхигул Жамолдин қизи “Таржимашуносликда эквивалентлик термини”	141
20. Mirzayeva Go‘zal Qobuljonovna “Distributiv metodning o‘zbek va turk tillarida fonetik jarayon sifatidagi talqini”	148

ДОСТОНЛАРДАГИ ОТ ОБРАЗИНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИГА ДОИР

Тилавов Абдуумурод Холмуратович, доцент, Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат Ўзбек тили ва адабиёти Университети, Ўзбек филологияси факультети a.tilavov@mail.ru

Аннотация: Халқ оғзаки ижоди ҳамиша халқнинг бадиий тарихи, миллий ва маънавий қадриятларининг сарчашмаси бўлиб келган. Шунинг учун ҳам истиқлолдан сўнг халқ оғзаки ижодига бўлган эътибор янгича бир мазмун кашф этди. Биз ўз тарихимиз билан, маънавий, миллий меросимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Ватанимизнинг турли бурчакларида қад ростлаган миноралар, осори атиқалар нафақат ўтмишдаги тарихимизнинг кўрки, балки келажак авлодларимизнинг ҳам фаҳри, ғурури буюклигини намойиш этувчи тарихий обидалардир. Худди ана шу миноралар каби асрларга бўй бериб турган бизнинг юзлаб достонларимиз ҳам мавжуд. Бу улкан бадиий обидалар жаҳон маданиятида ўзининг муносиб ўрнига эга.

Достонларимиздаги мифологик қатламни, юксак бадииятни, эпик қаҳрамоннинг мардлиги, жасорати ва қаҳрамонликларини унинг доимий ҳамроҳи от образисиз тасаввур этолмаймиз. Шунинг учун от образини тадқиқ этиш – халқ ижоди дурдоналари бўлмиш достонларимизнинг бадииятини, ундаги мифологик қатламни ўрганиш деганидир. Достонларимиздаги кўпга ибрат бўлувчи қаҳрамон ҳаёти, тақдири унинг доимий ҳамроҳи эпик от образисиз кемтик бўлиб қолади. Мақоламиз мавзусининг долзарблиги аввало ана шу боғлиқликда кўринади.

Халқимиз “От – мурод” деб айтади. Отнинг муродлиги замирида олам-олам маъно бор. Бу отнинг неча минг йиллар давомида халқимиз турмуши, ижтимоий, сиёсий, диний эътиқодий ҳаётида тутган мавқеини кўрсатади. Халқ достонларида от образи тадқиқи эса ана шу жараёнларни босқичма-босқич қайта тиклаш имконини беради. Чунки, аждодларимизнинг ҳаётга, атроф-мухитга, дунёга бўлган муносабатлари теран ва бетакрор бир уйғунликда эканлигини достонларимиздаги ана шу эпик от мисолида ҳам идрок этишимиз мумкин.

Ўзбек фольклоршунос олимларнинг тадқиқотларидаги бундай фикр ва муносабатларни эътироф этган ҳолда, таъкидлаш жоизки, достонларимиздаги от образи билан боғлиқ жараёнлар, от образининг пайдо бўлишида туркий халқлар тарихидаги ҳаётий асослар, уруғ, қабиланинг инонч-эътиқодларига алоҳида эътибор берилмаган, достонларимиздаги эпик қаҳрамон ва эпик от муносабатининг бадиий талқинлари, уларнинг реал ҳаётий манбалари маҳсус ўрганилмаган. Айниқса, достонлардаги от образининг тарихий асослари ва бадиий талқинлари маҳсус монографик

йўналишда тадқиқ этилмаган. Халқимизнинг азалий қадриятларига эътибор кучайган бугунги кунда бу мавзунинг ҳар жиҳатдан кенг қамровли тадқиқ этилиши муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш жоиз.

Биз ушбу мақолада ҳалқ достонларида эпик от образининг яратилишига асос бўлган табиий, диний-эътиқодий таянчларни ва қарашларни ботартиб равишда бир-бир қараб чиқамиз.

Таянч тушунчалар: фольклор, қадрият, тарих, эътиқод, достон, баҳши, маънавият, топилма, инонч-эътиқод

Abstract: Folk art has always been a reflection of the artistic history, national and spiritual values of the people. That's why after the independence, the attention to folk art discovered a new meaning. We are rightfully proud of our history, spiritual and national heritage. The minarets and monuments erected in different parts of our country are not only the sight of our past history, but also historical monuments that show the great pride of our future generations. Just like these minarets, there are hundreds of our epics that have been around for centuries. These huge artistic monuments have their rightful place in world culture.

We cannot imagine the mythological layer, high artistry, courage, bravery and heroism of the epic hero in our epics without the image of the horse, his constant companion. Therefore, researching the image of the horse means studying the art of our epics, which are masterpieces of folk art, and the mythological layer in it. The life and fate of the hero, who is an example to many in our epics, would be dull without his constant companion, the epic horse. The relevance of the topic of our article is seen primarily in this connection.

Our people say "Horse - murod". At the heart of the meaning of the horse there is a universal meaning. This shows the position of the horse in the life, social, political and religious life of our people for thousands of years. The study of the image of the horse in folk epics allows us to restore these processes step by step. Because, we can understand that the relations of our ancestors to life, environment, and the world are in a deep and unique harmony even in the example of this epic horse in our epics.

Although the historical roots and artistic interpretations of the image of the horse in Uzbek folk epics are a special topic in folklore studies and have not been thoroughly researched, there are articles and interpretations worthy of attention in this regard. Especially Hodi Zarifov, the founder of our folklore studies, "Investigations on the historical foundations of Uzbek folk epics. The study "on the ancient foundations of the image of the war horse" is very important for its consistency, the relationship between the epic hero and the war horse, the historical-mythological and vital foundations of the image of the horse in the epics, for the first time in the case of Ghirkok and Boychibor.

Acknowledging such thoughts and attitudes in the research of Uzbek

folklorists, it is worth noting that the processes related to the image of the horse in our epics, the life foundations in the history of the Turkic peoples, the beliefs of the clan and tribe in the emergence of the image of the horse, and the artistic relationship between the epic hero and the epic horse in our epics interpretations, their real-life sources have not been specially studied. In particular, the historical foundations and artistic interpretations of the image of the horse in epics have not been researched in a special monographic direction. It should be noted that today, when attention is being paid to the ancient values of our people, it is important to comprehensively research this topic in all aspects.

In this article, we will take a closer look at the natural, religious and religious foundations and views that are the basis for the creation of the image of an epic horse in folk epics.

Key concepts: folklore, value, history, belief, epic, lore, spirituality, discovery, superstition

Отнинг ўзбек халқи ҳаётида тутган ўрни беқиёс. Айниқса, от асосий улов воситаси бўлган ўтган асрларда унинг баҳоси янаа ортган. Отнинг Ўзбекистон тупроғида жуда қадим замонлардан кўлга ўргатилиб, ундан кенг фойдаланганлигини археологик ва этнографик адабиётлар тасдиқлайди. Ўзбек халқининг от билан боғлиқ эътиқодий, ҳаётий ва бадиий-эстетик қарашларини халқ достонларида кенг куйланган от образи янада мукаммалроқ тасаввур этиш имконини яратади.

“Достонларда от жуда муҳим ўрин эгаллади. У қаҳрамоннинг муваффақиятга эришуви йўлида хизмат қилиб, ғоят мушкул вазифаларни бажаради, қаҳрамонга катта ёрдам беради. Қаҳрамон отга эга бўлганлиги туфайли истагига эришади. Шу нарса характерлики, эпик от қатнашмаган биронта қаҳрамонлик достонини топиш қийин. От қаҳрамоннинг сафари ва курашларида доимий йўлдоши, ишончли қўлдоши ва яқин дўстидир” (Зарифов Ҳ.Т. 1967:65.)

Туркий халқлар тарихий обидаларида, отнинг муқаддас ҳайвон сифатида тан олинишини тасдиқловчи далилий маълумотлар, удумлар бизгача етиб келган. Бу маълумотларни алоҳида-алоҳида қайд этиш, уларда халқ ишончларининг қайси жиҳати намоён бўлишини ўрганиш, географик нуқтаи назардан тарқалишини кузатишсиз от образи тарихий илдизларини таҳлил этиш мумкин эмас. Бинобарин, шунинг учун ҳам ушбу бобда от билан боғлиқ ёдгорликлар юзасидан тўпланган фикрларни, ашёвий далилларни қайд этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Туркий халқлар тарихини отсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Чунончи, ота-боболаримиз илоҳий мўъжиза саналмиш бу ҳайвоннинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини биринчилардан бўлиб жуда яхши билган ва уни ардоқлаш, тарбиялаш, ундан фойдаланиш борасида бошқа кўплаб

халқларга ўрнак бўлган халқдир. Бу хусусият нафақат бизнинг тарихчиларимиз, балки ғарб олимлари томонидан ҳам эътироф этилган. Масалан, У.В.Шмидт бу борада олиб борган тадқиқотлари натижасида қўйидаги хulosага келади: “Ўрта Осиёда ерлашиб олган ва ёввойи ҳайвонларни қўлга ўргатишни бошлаган илк қавм туркий қавм бўлган. От биринчи марта туркийлар томонидан қўлга ўргатилган ва улар отга минган биринчи инсонлар эдилар” (Иброҳим Кафесўғли 1988:102.)

Аждодларимиз отни дунёга танитган, бу билан инсоният тарихида муҳим бурилиш ва ўзгариш ясаган миллатдир. Тарихчилар “отли чўпон” ёки “кўчманчи отли маданият” деб аталувчи маданиятнинг ўртага чиқишини ва отнинг қўлга ўргатилишини бевосита қадимги туркий халқларга боғлаш мумкинлигини, инсоният тарихида эришилган бу муваффақият бошқа қавмлар ва маданиятларнинг ривожланишида катта таъсир кўрсатганлигини қайд этишади. В.Эберхард хитойликлар отга миниш санъатини фақатгина милоддан аввалги 300 йилларда Осиё хунларидан ўрганганлигини айтади. (Хитой манбаларига кўра Ўрта Осиёда от жинслари 1975)

4-6 аср ғарб манбалари (А.Маржеллинус, Ш.Гладианус, А.Сидониус, Зосимос)га кўра, “Эндиғина оёққа турган хун боласининг ёнида эгарланган от тайёр туради... Хунлар от устида ейишар, ичишар, савдо-сотик қилишар, сухбатлашар ва ухлашар эди. От ва бошқа қавмларни фақатгина устида олиб юрар, лекин хунлар отнинг устида ҳаёт кечиришарди” (Древные авторы о Средней Азии 1940:75)

“Гўрўғлининг туғилиши” достонида гўрда туғилган чақалоқнинг жинсини аниқлаш учун эгардан фойдаланилади. “Синаб билайнин, шу бола ўғилмикин, қизмикин”, деб эгар билан уч ошиқни бир ёққа қўйди. Икки қўғирчоқ билан рўмолни гўрнинг бир ёғига қўйди. Пойлаб ётди. Гўрўғли... эгарни миниб, “чув-ҳа, чув-ҳа, от қўй, қайтма, боҳабар бўлинглар”, – деб эгарни аста-аста қимирлатиб, гўрдан анча узоқлаб кетди”. (Гўрўғлининг туғилиши 1967:54.)

От ота-боболаримизнинг тўйида ҳам, азасида ҳам бирга бўлган. Келинни чиройли қилиб безатилган отда олиб келиш, от ҳадя қилиш одати ҳали ҳануз йўқолгани йўқ. Жаноза маросимида бир отни думи қесилган ё боғланган ҳолатда олиб келиниши, ҳатто жангчи ўлса, уни эгар-жабдуқли оти билан бирга кўмиш удуми аждодларимиз ўтмишида мавжуд бўлган. Бинобарин, Бўзқир-турк қавмларига оид қабристонлардан, Осиё-Хун императорлигига оид қўргонлардан, Ўрта Осиёда олиб борилган қазилма ишлари давомида жуда кўп от суюкларининг топилиши ҳам бежиз эмас. Умуман, от бошқа ҳайвонлардан эгасига содиклиги, ақллилиги ва ниҳоят, ўзининг ноёб хислатлари билан ажralиб туради. Масалан, от кўз қорачигининг нақадар қимматли эканлигини уста хаттотларгина билишади.

Гап шундаки, отнинг кўз қорачиғи солиб тайёрланган бўёқ билан ёзилган ёзув ялтироқлиги, қўримлилиги ва нафислиги билан ажralиб туради. Бундай ёзув узоқ муддат аслини йўқотмайди. Умар Ҳайём “Наврўзнома”сида ёзади: “Айтадиларки, тўрт оёқлилар ичидан отдан яхшиси йўқ, у ўтловчи тўрт оёқлиларнинг подшоҳидир. Расул алайҳиссалом: “Хайр йилқининг пешонасига ёзилган”, деганлар. Кайхусрав: “Менинг подшоҳлигимда отдан қимматлироқ нарса йўқ”. Наср бин Сайёр “От жанг тахти ва қуролининг гулидир”, – деган” (Умар Ҳайём 1989:18.).

Қадимдан Ўрта Осиё энг кўп от етиштирилган ҳудуд бўлган. 1246 йили Ўрта Осиёни кезиб чиқсан сайёҳ Плано Гарпини қуйидагиларни эътироф этади: “Ҳайвонларнинг кўплиги жиҳатидан улар (Ўрта Осиёда яшаган халқлар. – А.Т.) ниҳоятда бой инсонлардир; туя, сигир ва эчкилари бор. Отларга келсак, шу қадар кўпки, дунёning қолган қисмида шунчалар от бўлмаса керак”.(Турк миллий маданият 1988:40) Милоддан олдинги 49 йилда бир хун оиласининг ўн минг бош ҳайвони ва етти минг оти, милодий 83 йилда бошқа бир оиласининг ўн мингта қўй ва сигирларига муқобил йигирма минг оти бўлган. Кўк турклар ва бекларнинг йилқилари эса, ҳадсиз-ҳисобсиз эди, дея қайд этилади тарихий манбаларда. (Кафесўғли 48)

Маълумки, бизнинг туркий халқлар ҳар қандай шароитда ҳам ўзининг азалий, нодир санъати, хунари, анъаналарини сақлаб қолишга интилган ва кўпинча бунга эришган ҳам. Жумладан, аждодларимиз от тарбиялаш санъати яловини ҳеч қачон қўлидан туширган эмас. Аббосий халифаларидан Мұтасим, Восиқ ва Мутаваккил замонларида (840-860) араб давлати идорасидаги турк қўшинларининг сони ҳам кўпчиликни ташкил этарди. Халифалар айни пайтда отларни тарбиялаш ишини туркларга топшириб қўйишиган. Ота-боболаримиз Ислом динини қабул қилгандан кейин ўzlари от миниш, тарбиялаш санъатини ҳам Яқин Шарққа олиб кирдилар. Бу даврда “Аспи турк” (Турк оти) жуда машҳур бўлган. Муаррих Усмон Турон “турк от маданияти” билан бирга иғдиф (бичиши), ялғиз (қоратўриқ), улоқ, ём, ёмби, йилқи каби сўзларнинг араб ва форс тилларига ўтганлигини қайд этади. (Туркий халқлар мафкураси 1997:92.) Шу ўринда отнинг бизнинглуғат бойлигимизга ҳам катта “ҳисса қўшганлигини” алоҳида таъкидлаш жоиз. Дарҳақиқат, тилимизда от билан боғлиқ кўплаб сўзлар мавжуд. Уларнинг маъноси фақат айрим гурӯҳ орасидагина маълум. Буюк тишлинос олим Маҳмуд Кошғарий “Девону луготит турк” асарида отга алоқадор юздан ошиқ сўзларнинг изоҳини беради.

Шу ўринда “от” сўзининг этимологияси ҳақида. “От сўзи” баъзи мўғулшунос олимлар томонидан мўғулча дея айтилади ва бу фикр анча эътиrozларга йўл очди.

Иброҳим Кафесўғли “Ўрхун ёдномалари”да Култегин мингган отлар номлари билан берилганлиги ва ўша пайтлардан бери тилимизда “ОТ” деб айтиб келаётганимиз сўзнинг асли Осиё хунларининг қўлга ўргатилган ҳайвон жинсидан баҳс этган; милоддан аввалги Хитой манбаси “Shichti”да айтиб ўтилган “khit-ti” ёки “Khiai-thi” бўлиши керакли ва манба бу х у н ч а (таъкид биздан – А.Т.) бўлиб, “ҳамиша катта бир куч билан сапчишга, отилишга хоҳишли” (full of mettle with a great power leaping) деган маънони англатишини айтади. Тарихчи олим ўз фикрини қўйидагича асослашга ҳаракат қиласди: “Туркчада “от” сўзидан ясалувчи отим (atim), ҳатламоқ (atlamak), отмоқ (atmak) ва бошқа сўзларда айни маъно ҳозиргача сақланаб қолган. “От” сўзининг мўғулча “akhta” (акхта) сўзи билан алоқаси йўқ...”.

Олимнинг фикрлари мантиқан тўғри ва воқеликдан узоқ эмас, бизнингча. Чунки, от (ҳайвон – А.Т.) кўпинча сапчишга, отилишга шай ҳолатда кўринади. Отларнинг бу ҳолати, айниқса, достонларда зўр бадиий маҳорат билан тасвирланган; “юлдузни кўзлаган”, “кўкка қараб интилган”, “учишга шай қуш” дея таърифланиши отлардаги ўша табиий хусусиятларни намоён этади. Қолаверса, ўзбек тилидаги “отмоқ”, “отилмоқ”, “ҳатламоқ” сўзларида ҳам юқоридаги маъно сақланган.

“Yont” – “йўнт” сўзи ҳам қадимги туркчада бир от жинси ва от сурувларини ифода этган сўздир. Бу сўз Онадўлида жой номларига нисбатан қўлланилганда “йунт” шаклини олган. Ўғиз қабилаларидан бирининг номи “Ала йўнталығ” бўлган. М.Кошғарийда бу ном бироз ўзгарган шаклда, яъни “Ула-йўндуғ” тарзда келади. Тадқиқотчи Б.Ўгал девонда бу номнинг янглиш ёзилганлигини айтади. “Кошғарий даврида, – дейди олим, – бу сўзининг “Ала йўндуғ / Ала йунтлуғ” шаклда қўлланилганига ҳеч шубҳа йўқ” (Турк мифологияси 347-348). Бизнингча, Б.Ўгалнинг бу мулоҳазаси бир мунча изоҳталабдир.

Кўк турк ва уйғурлардаги “ўн икки ҳайвонли” турк тақвимида бир йилнинг “от” маъносидаги “йўнд” бўлиши характерлидир. Бундан ташқари, Онадўлидаги бир неча жой номларida ҳам айни маънони ифодалаган сўзнинг сақлаб қолинганига гувоҳ бўлдик: Йўнд тоги (Кония), “Йўнд қишлоғи” (Эдирна).

Маълумки, тилимизда от сурувига нисбатан “йилқи” сўзи қўлланилади. Достонларимизда ҳам бу сўз ана шу маънода келади:

Йилқи ичинда ўзи келган синлидир,
Тўбишқон туёқли, марол беллидир.
(“Алпомиш”достонидан)

Радлов “йилқи” сўзининг асл маъносининг “жонли ҳайвон” эканлигини қайд этади. Кўк турк ёзув ёдномаларида ҳам йилқининг, умуман ҳайвонлар учун ишлатилганлигини кўрамиз. Баъзан “тўрт адақлик – йилқим”

дейиш билан сурувнинг ҳайвон бўлганлиги айтмоқчи бўлинган. Қадимги туркийлар ўз мулки ҳисобланган ҳайвонларга тамға уришган. Шу сабабдан бўлса керак, Кўк турк ёдномаларида “тамғалиқ йилқи” ифодасини учратамиз. “Дада Қўркут китоби”да ҳам “ылқи” сўзи фақатгина от суруви учун қўлланилган: “... юриб-юриб кофирнинг ылқисига дуч келди. Бир от топсам тутиб минайин, – деди”.

“Отли кўчманчилик маданияти”, жумладан, кўпинча от устида юриш, доимий ҳаракат от эти ва сутини истеъмол қилиш, Ўрта Осиё аҳолисининг соғлигига ҳам ижобий таъсир этган. Ўтган асрнинг ўрталарида бу “отли кўчманчи”ларнинг орасида кезган В.Радлов, афюннинг уларга деярли зарар кўрсатмаслигини кўриб ҳайратга тушган. “Афюн чеккан хитойликлар ўша заҳоти турган жойида чўкиб ўларкан, кўчманчиларда афюндан ўлган киши йўқ эди”, дейди олим (Турк маданияти тарихига кириш 1991:71). От аждодларимиз тарихида фақатгина оддий улов эмас, энг яхши жанг қуроли ҳам эди. От туфайли турк хоқонлари ҳудудларини кенгайтирдилар, зафарларга эришдилар. Зоро, азалдан аждодларимизнинг сиёсий ташкилоти ва қўшин қобилияти бошқа қавмлардан устун эди. Чунки улар биринчи бўлиб отдан муҳораба (жанг) воситаси ўлароқ фойдаландилар ва ҳатто жаҳон ҳокимияти даъвосида бўлдилар. От устида жанг қилиш, “чавандоз қиёфати” деб ном олган кийимлар ҳам аждодларимизнинг ижодидир. Тарихий манбалар Ўрта Осиё аёлларининг отда жанг қилиш санъатини яхши эгаллаганликларидан хабар бермоқда.

Отнинг аждодларимиз учун муҳим жанг қуроли, энг яқин йўлдош бўлганлигини, туркий халқларнинг қадимги ёзма ёдгорликлари ҳам исботламоқда. Бу ёдномаларда от боқиши, унинг тарбияси, турк хоқонларининг зафар қозонишларида отнинг ёрдами таъкидланади. Жумладан, турк хоқони Элтаришнинг кичик ўғли Култегин қабрига қўйилган битикда “Ўрхун битикларидан) минган отлар сифатлари, номлари алоҳида айтиб ўтилади. “(Култегин – А.Т.) энг аввал Тадқан Чурнинг Бўз отини миниб ҳужум қилди. У от ўшанда ўлди. Иккинчи бор, Ишбара Ямтарнинг Бўз отини миниб ҳужум қилди, от ўшанда ўлди. Учинчи бор Еган Селиг бекнинг тўриқ отини миниб ҳужум қилди, у от ўшанда ўлди” (Қадимги ҳикматлар 1987:28).

Бу каби ҳарбий юришларда Култегиннинг Байирқун, Ал Шалчин, Азман, Угсизларнинг оқ отини, Азнинг кулранг отини минганлиги ҳикоя қилинади.

Эътиборли томони шундаки, вафот этган шахс тилидан, яқин қариндошларининг кейинги авлодга изтироб, ачиниш билан айтган гапларида ўша шахс отларидан айрилганлиги эслатилади:

Менга қарайдиган Агук Қатун

еримдан айрилдим.

Тангрили давлатимдан, ўғилларимдан,

қизларимдан,

олти минг йилқимдан айрилдим.

Хоқонимнинг тулпори, қора халқи,

машхур қаҳрамонларим,

...қиз-келинларим (дан) айрилдим.

(Уюқ Турان ёдномаси, 41).

Қадимги турклар машхур отларда қанот борлиги, бинобарин бундай отларнинг учишига ишонишган. Элигешдан топилган ёдномада ҳам (Енисей битиклари):

Учар отларимдан айрилиб,

Қора халқимни йўқотдим, йўқолиб

кетдим мен, – дейилади

(42-бет)

Қадимги турк даврига оид қоғозга ёзилган ягона, нодир ёдгорлик ҳисобланган “Ирқ битиги” (Таъбирнома)да от билан боғлиқ ишонч-эътиқодларнинг, мифологик тушунчаларнинг ифодасини қўрамиз. Бир мисол:

Мен чавкар (ола отли) отли тақдир (Айн. йўл.) тангрисиман,

Кундуз ва кечқурун

(отни) елдираман.

У икки ой олдин

Одам ўғлини (инсон) учратди.

Одам қўрқди,

“Қўрқма”, деди у.

Билиб қўйинг: бу – яхши.

(47-бет)

Туркийлар Кўк – Тангрисининг ҳам бир оти борлигига ишонишган.

Келтирилган парчада ана шу қадими, ботил эътиқоднинг таъсири сезилиб туриди.

Битикда от инсон қадар ақлли жонзот, ҳис-туйғули тарзда тасвирланади:

Сўқир тойча айғирлар орасида

Шифо излади.

Кун ўртасигача бўзлади,

Тун ўртасигача қон йиғлади

Оқ от душманини

Уч авлоддан ажратиб

тавба қилишга ва ўтинишга

мажбур қилди, дейишади...

Билиб қўйинг: бу – яхши.

(50-бет)

Отнинг магик қудратга эгалиги ва унинг қушлар билан боғлиқ ҳолда тилга

олинишини от ҳақидаги қадимий тушунчаларнинг битикдаги ифодаси ўлароқ қабул қилиш керак (“Күш бошли отлар” ҳақида ишимизнинг иккинчи бобида ўқийсиз).

Мен уюр учун куч берувчи айғирман,
Ёнғоқ дарахти (бор манзил) – ёзлик (жой)им,
Қушлар кўп жой қишилик (жой)имдир,
Ўша ерда туриб шодланаман, – дейди,
Билиб қўйинг: бу – яхши. (52-бет)

Куйидаги парчаларда эса аждодларимизнинг нодир санъати – от тарбиясига ўта ҳассослик билан эътибор бериш лозимлиги уқтирилади:
Отни нотўгри тушовлади,
Юришга мажоли йўқ дейишади.

Билиб қўйинг: бу – ёмон. (53-бет)

Семиз от оғзи қаттиқ бўлди (еийишдан қолди),
Эгаси уни парвариш қилишни
уддалай олмади, дер,
Билиб қўйинг: бу – ёмон. (58-бет)

Аждодларимиз тарихида отнинг тутган ўрни, бу ҳайвоннинг туркий халқлар маданиятига кўрсатган ижобий таъсири ҳақидаги муҳим маълумотларни XI асрнинг буюк филологи Маҳмуд Кошғарий “Девону луготит турк” асарида беради. В.М.Жирмунский ва Ҳ.Зарифовлар тўғри таъкидлаганлариdek, дашт халқлари, жумладан, туркий тилли халқларнинг тили отнинг турлари, ёши, ранглари ва ҳоказоларини ифодаловчи сўзларга бой (Узбекский народный героический эпос 1947:353).

Чунончи, М.Кошғарий бу асарида от билан боғлиқ туркий сўзлар изоҳини берар экан, тилимизнинг бойлигини, шу билан бирга луғат хазинамизга отнинг қўшган “ҳиссаси”ни исботлаб беради. Олим “От туркнинг қанотидир”, “Күш қаноти билан, эр оти билан” (Қиёсланг: От бўлади эр йигитнинг қаноти, Югрук, минса кимнинг кучи етади), “Яёв кишининг қиймати йўқдир” каби мақолларни келтириб турк ва отнинг бирбирига нақадар яқинлигини ва ота-боболаримизнинг ҳақли ғуур ва туйгуларини кўрсатади.

Маҳмуд Кошғарийнинг маълумот беришича, ота-боболаримиз отларни маҳсус жойларда тарбиялашган (Девону луготит турк 1967). Олим аждодларимизнинг отни тарбиялашда ялангоч ҳолатида ҳам миниш машқлари ўтказилишини қайд этади (Девону луготит турк, мунди). Натижада бундай отлар йугрук ёхуд йугурган, йориға, эшқин, эрик каби югуриш сифатларига эга бўлади (“ДЛТ”. Йугрук, ќориға, эшқин, эриқ).

От танлашда аввало унинг зоти суриштирилади. Девонда бу хусус ҳам эътибордан четда қолмаган.

Йұгурди кевел ат,
Чақылди қизил от.
Күйирду аруг ат,
Саграп анын ўртенур (“ДЛТ”. “чакылды”).
“Зотдор от юрганда туёқлари остидан чиқараётган қизил оловдан қуруқ
үтган ёнади).
Девонда от билан боғлиқ шеърий парчалар кўп учрайди:
Қанча бўлсанг эй ўғул,
Эрдинг мунда тинч ва мўл.
Отдин энди уз қўнгил,
Нолойик иш айладинг.
(Т. 1, 104)

Учқур отим шўхлик қилди,
Шўхлик қилар ерни кўрди.
Кўкни босиб булут келди,
Баҳор сели ўйнаб ёғди.
(Т. 1, 157)

Махмуд Кошғарий от билан боғлиқ ҳикматли сўзларни ҳам келтиради:
Еткур менинг сўзимни олимларга, ҳой,
Байтал тинар отларга
қўшилганда той. (Т. 1, 214)

Еткар менинг сўзимни олимларга, ҳой,
Тинар бия минилса, от бўлганда той. (Т. III, 173)

От ҳадя этиш – туркий халқлардаги жуда қадимиј одатлардандир. Отни бир хонлик ё беклик иккинчисига энг мақбул совға сифатида берган. Масалан, Аббосий халифаси ўзининг элчиси Ибн Аттор орқали Хоразм шоҳи Жалолиддинга юборган ҳадялари ичида бутун анжомлари олтин билан безатилган, туёқларига қиймати 100 динор бўлган қимматбаҳо ҳалқалар осилган икки от, бундан ташқари устида Рум (Византия) ёпинғичи ва зирхли ёпинғичлари бўлган ўттиз от, ўттиз сайис бор эди. Оловуддин Кайкубоднинг эса Жалолиддинга юз от ва эллик хачир юборганилиги маълум. “Дада Кўркут китоби”да ҳам бу одат билан боғлиқ бир лавҳа бор (Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1995:1; Ўзбек улуси 1992:45). “Девону луготит турк”да аждодларимизда мавжуд бу одат “синѓут”, “йағриланди”, “идҳти”, “артут” сўзларига изоҳ беришда тилга олинган.

Ушбу асарда от хасталикларининг номи ва уларни даволаш йўллари хақида қимматли тавсиялар берилган. Девонда хасталиклар, жумладан, отда кўринган хасталикларга нисбатан “иг” сўзи (Т. 1, 48) қўлланилган. Кекча чавандозлар билан сухбатларда отдаги касалликларни кўпинча доғлаш, қон олиш, турли тоғ гиёҳлари қўйиш билан даволашганига гувоҳ бўлган эдик.

Айни даволаш йўллари ҳақида “Девон”да ҳам “доғ”, “тоғлади”, “тоғлатти”, “чекди”, “чектурди”, “анғдўз” сўзларининг изоҳида маълумот берилади.

Аждодларимизнинг от билан боғлиқ мифик тушунчалари “турк ва от” мавзуининг муҳим саҳифасини ташкил этади. Бу маълумотлар достонларимиздаги мифик от образининг кўп жиҳатларини ёритишида, моҳиятини тушунтиришида яхши ёрдам беради.

Масалан: қабиласининг отдан тарқалганлигига (Бошқирд эпосида бош қаҳрамон – Бузанс ботирни от туққанлиги ҳақида ўша халқ ривояти мавжуд), қабилани шу ҳайвон қўриқлашига ишонганлар отнинг гўштини ейишмас, ҳатто уни чўчитишмас, озор беришмас, ардоқлашарди. Уларнинг ишончига кўра, кимки қабиласи учун муқаддас саналган ҳайвонни хурмат қилмаса, ўлдирса, унинг бошига катта фалокатлар келади (Киёсланг: “Мендан сенга насиҳат шуки, қаерда бўлмагин: жангда бўласанми, ўлимда бўласанми, қирқ қунлик очликда қоласанми, истасанг чарчоқликдан ўлиб қол, уйкусизликдан оёқда туролмайдиган бўл, аммо ўша пайтда ўзингни ўйламасдан, ўзингга қарамасдан Ғиротингга қарагин, унинг ҳар бир ҳожатини чиқар. Шундан кейингина ўзингга қарайсан. Нозиккина чақалоққа қараган каби қарагин унга, токи Ғирот сенга ука бўлсин, сени дунё торликларидан, азоб-уқубатларидан, ҳамма-ҳаммасидан сенинг ўртоғинг, ака-уқанг эмас, мана шу Ғиротинг кутқаражак. Буни ҳеч қачон эсингдан чиқарма. Ва яна шуни билиб қўйгинки, Ғиротни эсингдан чиқарганинг, унга эътибор бермай қўйган кунинг, унга бўлган севгинг камайгани кун бошингга бало-офтларнинг энг каттаси келади”. (Гўрўғлининг майдонга чиқиши 1990:48).

Маълумки, қадим одатларга кўра, қавмлар ўзларини тотемнинг номи билан аташган, унинг тунж, мармар ва оддий тошдан ҳайкалларини ясашган. Жумладан, турк қавмларидан бўлмиш ёқутлар ҳам тотем деб қабул қилган ҳайвонни исм-шариф ўлароқ қабул қилганлар. Бинобарин, кимнинг қайси қабиладан эканлигини осонликча ажратиш мумкин бўлган.

Ходи Зарифов эрамиздан илгариги баъзи шахсларнинг (масалан, Виштасп – жанговар ёки асов от соҳиби, Аспанжа – отбоз) номларида “асп” (от) сўзининг борлигини қайд этадиларки (“Пўлкан шоир”:77), фикримизча, бу ҳам аждодларимиздаги от тотемнинг изларидандир. Шу ўринда жумҳуриятимиздаги баъзи жой номларида ҳам “от” ёки “асп” сўзларининг борлигини таъкидламоқчимиз:

Олот (аслида ола от, Бухоро вилоятида)

Қўнғирот (кўнғир от, Сурхондарё воҳасида, Қорақалпоғистон Республикасида) Самандарак (Фарғона вилояти, Бағдод туманидаги бир қишлоқ номи)

Хазорасп (форсча “хазор” – минг, “асп” – от, Хоразм вилоятидаги бир туман)

Тўртайғир (Самарқанд вилояти, Оқдарё туманидаги қишлоқ номи).

Ўрта Осиё ва Сибирда яшаган туркийлар тотем деб билганлари хайвонларнинг, жумладан отнинг инсонларга яхшилик келтириш билан бирга ёмонлик ҳам келтириши мумкинлигига ишонган, яъни маълум маънода отдан чўчишган ҳам. Шу сабабли, от каби муқаддас саналган хайвонларнинг суюклари ёхуд шакллари бир жойга тўпланиб, улардан “яхшилик” ва шафқат сўралган. Биз кузатишларимиз давомида халқимиз орасида “Отнинг ўлигига ҳам ишонма, қочиб кетади”, “от асли жаноза учун яратилган, шунинг учун қачон бир жаноза чиқаркан-у, хабарини етказар эканман, деб қутиб туради” (Отнинг хабарлашув воситаси сифатида ҳам ахамияти катта бўлган), “от ўлса ҳамки, унинг калла суюгини боғлаб қўй” каби от ҳақидаги салбий иборалар ҳам мавжудлигига гувоҳ бўлдик. Айни анимистик тушунчани ифодаловчи бир сав (мақол)ни эса Маҳмуд Кошғарий ҳам келтиради: “јунг башін јуарлаб кәнілгі” – отнинг бошини қайнатгандан кейин емоқчи бўлсанг, қочмаслиги учун унга аввал нўхта солиб боғла, кейин егин (Девону луготит турк. III том: 16-17).

“ҲАЙВОН – ОНА” ишончи ҳам ота-боболаримиз орасида кенг тарқалган. Профессор Абдулқодир Инон “Шомонизм” номли асарда (Анқара, 1995) бу ишончга “арвоҳ ишончи” дея ном беради. Она – ҳайвон бутун бошли қабиланинг эмас, бир кишининг (шомоннинг – А.Т.) рухи эди. Бу ишончга кўра, рух – Она – ҳайвон шомонга бутун ҳаёти давомида ёрдам беради. Бу рух – ҳайвон “ийэ қыил” деб аталган. Кимнинг Она – ҳайвони кичик, кучсиз бўлса, бу кишининг қабиладаги обрўси ҳам анча паст бўлган. Бир шомон катта бўлгач, бошқа бир ҳайвонни Она-ҳайвон ўлароқ қабул қиласади. Бироқ бу “ўзгариш” ҳаёти давомида уч мартагина содир этилиши мумкин эди.

Энг мақбул саналган “кўринмас Она-ҳайвон руҳлар” айғир (таъкид биздан – А.Т.), буқа, кийик ва айик, ёмонлари эса бўри ва ит эди (Мифы народов мира. – М., 1980. Том 1:300). Турк мифологиясида кичик айик буржи икки от, буюк айик буржи эса уларни қувган етти бўридир. Умуман, “конь играет важную роль во многих мифологических системах Евразии. Является атрибутом (или образом) ряда божеств. На коню передвигаются (по небу и из одной стихии или мира в другой), боги и герой. В индоевропейском близнечном мифе в виде двух коней представлялись божественные близнецы и связаны с ними – два мифологических представителя – родоначальники племени. Общим для индоевропейских народов является образ бога солнца на боевой колеснице, запряженной конями, причём само солнце представляется в виде колеса” (Мифы народов мира. – М., 1980. Том 1:143).

Аждодларимизнинг от билан боғлиқ мифик тасаввурлари уларнинг

одатларида, айниқса, оғзаки ижодида, хусусан эпик ижодидаги достонларда ўз ифодасини топган.

Хатто, қадимий туркийларда Тангрига қурбонлик тарзда отлар танлаган. Бу бежиз эмас: маълумки, қурбонликнинг моҳияти Тангрини севинтириш, ундан нажот сўрашдир. Шу сабаб аждодларимиз “энг буюк Тангри”га “энг тезкор” ҳайвонни, яъни отни қурбонлик қилишни маъкул кўрганлар.

Қадимдан от сўйиш маълум маънода хурсандчиликнинг ҳам рамзи бўлган. Ўтмишимиз, ота-боболаримизнинг ажойиб урф-одатларини тасвиrlаган миллий достонларимиздан аждодларимизнинг йигинларида, тўйларда энг кўп от сўйганлиги маълум бўлади. 1305 йилда туркийча асл нусхадан форсчага ўтирилган “Ўғузнома”да шундай лавҳа бор:

“Туркистоннинг илк улуғ ҳукмдори Ўғиз (Қоғон) 50 йил давомида шарқ (Хитой), ғарб (Овросиё ва Ўрта шарқ) ва жануб (Хиндистон) сафарларида ҳамиша ғолиб келди, ўлкаларни ўзига бўйинсундирди ва ниҳоят ўз юртига қайтди. Ўғиз Ватанига қайтиши шарафига берилган тўйда ... тўққиз юз айғир сўйишни буюрди ва тепа қаби гўшт йифиб, кўл қаби қимиз соғдириб, улуғ тўй ўтказди; Олтин Хон уйини қурди. Ўғизхон ўлгач, васиятга биноан катта ўғли Кун Хон тахтга чиқди. Жуда билимдон Ирқил – Кўжа келиб Кунхонга маслаҳатчи бўлди. Ўғиз Хоннинг олти ўғлидан 24 ўғли бор эди. Буларнинг ўн иккитаси Соғ қўл (Ўнг қўл) – Бўз Ўқ, ўн иккитаси Сўл қўл (чап қўл) – Уч Ўқ номи билан икки катта шажарани ташкил қилдилар. 24 неварадан келган бу уруғларнинг ҳар бирига Ирқил Кўжа бир ном қўйиб, ўнгун (қабила, уруғ учун муқаддас бўлган ҳайвон) тайинлади. Бундан ташқари ҳар икки шажара учун икки отни сўйиб, гўштини ўн иккига бўлди ва ҳар бир неварасининг исми билан аталаётган 24 уруғнинг қурбонлик гўштининг қайси “улуш” (пай)ини ейишликларини кўрсатди... Шундан кейин Ирқил-Кўжа кўрсатган тартибга амал қилинди” (Ўғиз достони 1972:47).

Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажарайи тарокима” асарида ҳам Кунхоннинг “тўққиз юз йилки ўлтурғон”лиги ёзилади (Шажарайи тарокима 1995:19).

“Дада Кўрқут китоби”да Ич-Ўғиз ва Таш-Ўғиздаги бекларнинг тўпланишиб “йигинак” бўлишгач, уларга “отдан айғир”, туядан буғра (эркак тuya – А.Т.), қўйдан қўчқор сўйилиб бир тўй берилганлиги айтилади.

Қадимий туркларда Тангри учун энг муқаддас қурбонлик бўлган от ва қўчқорнинг суюклари тўплаб ёқилар, бош суюклари эса полиз, боғларга назарлик қилиб тикиларди. Бу одат ҳанузгача давом этиб келаётганлиги маълум. Бундай қурбонликнинг ҳурматига, қурбонлик гўшти майда бўлакларга бўлинмай катта-катта парча ҳолида пиширилган ёки

йўқсилларга тарқатилган. Отларни “муқаддас дараҳтлар” учун қурбонлик қилиб, қонини шу дараҳтнинг остига тўкиш, калла суюгини ва тузланган терисини тикиб қўйиш ҳам туркийларга хос қадимий одатлардан ҳисобланган.

Қадимий туркийлар отнинг нариги дунёда ҳам эгасига хизмат қилишига ишонишган. Бу мифик тушунча эса отнинг эгаси билан бирга кўмиш одатини вужудга келтирган.

Рим Папасининг буйруғи билан 1245-1247 йилларда Чингизларнинг пойтахти Қора-Кўримга бориб келган элчи Плано Гарпини қипчоқларда кўрган бир дафн маросимини қуидагича ҳикоя қиласди:

“Ўликни ўртага олиб, олдига пишган гўшт тўла бир товоқ билан, от сути (қимиз) тўла идиш қўйишади. Нариги дунёда ҳам сутини ича олсин, дея тойи билан бирга бир байтал ва бундан бошқа миниши учун эгар-жабдуқли бир айғирни қўмадилапр. Бу қўмилганлардан ташқари, (қабр устидаги қўрғон, яъни “чодир” битгунча) жанозага келганлар учун бир от қурбон қилиниб, гўшти ўша ерда ейилади. Отнинг териси эса сомон тўлдирилиб, қабр устига анча вақтгача турадиган қилиб тўрт оғочга осиб қўйилади. Гўшти ейилган отнинг суюкларини тўплаб ёқишади. Қабрга олтин, кумуш ашё қўйиб, марҳумнинг аравасини синдириб тарқатишади, чодирини бузишади” (J.de Plano Carpini 1930:81-82).

Кейинги йилларда олиб борилган археологик қазилма натижалари бу маълумотларни тасдиқламоқда. Бинобарин, Бўзкир-турк қавмларига оид қабристонларда, Осиё-хун императорлигига оид қўрғонларда, Лена дарёсининг Утигенга яқин бўйларида жуда кўп от суюкларининг топилиши, 1929 йили Шарқий олтойлардаги Пазириқ (Дафина) қўрғонларида милоддан аввалги 500-йилларга оид мумиёланган қабрларда эгалари билан қўмилган қизил рангли, эгар-жабдуқли ўн айғирнинг, 1947 йилда очилган иккинчи Пазириқ қўрғонида деворлари намат билан қопланган уйдан эгар-жабдуқли етти от, шу жумладан қабила бошлиғига тегишли бўлган қора рангли от жасадларининг чиқиши бежиз эмас.

Тадқиқотчилар дengiz сатҳидан 1650 метр баланддаги Пазириқ қўрғонларидан топилган бу отлар ҳақида қуидаги муҳим маълумотни беришади: “Даже кони, трупы которые были положены поблизости от их владельцев, и те свидетельствуют о богатстве и знатности последних. Это превосходные кожи, принадлежавшие к лучшим конским породам востока, лошади горячей крови, стройные и резвые скакуны, золотисто-рыжей масти. Их держали не на поджожном корму, а в условиях стойливого режима, кормили отборным зерном” (Щелигран Халидов 1967:71; М.Г.Левина. – М.: Изд. АН СССР, 1956:152, 212, 272, 289.).

Иккинчи Пазириқ қўрғонида етти отнинг ёнида мўмиёланган аёл ва

эркак жасадлари ҳам чиққан. Аёлнинг кийимида қўчқор боши бичимидағи юпқа олтин тақинчоқлар. Қамчи сопида эса от боши шакли ишланган, бундан ташқари кумушдан ясалган бир кичик от фигураси бор. Аёлнинг камарида кумуш тўқа, кумуш ойна, йўлбарс боши шаклидаги икки ўриндик, бронздан тайёрланган олтин қопламали ўрдак фигурали ва олтин билан безатилган халталар мавжуд.

Ха, бутун бу ашёвий далиллар бизга ота-боболаримизнинг от билан боғлиқ мифик тасаввурларини аниқлаштириш билан бирга, аждодларимизнинг юксак маданий савияга эга бўлганликларини ҳам кўрсатмоқда.

Фикримизга ойдинлик киритиш мақсадида аждодларимиз яшаган худудлардан олимларимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли фанга маълум қилинган, ҳеч иккиланмай “санъат асарлари” дейишимиз мумкин бўлган от билан боғлиқ ажойиб топилмалар ҳақида маълумот берамиз. Чунончи, отга бўлган чуқур меҳр, эътиқод туркийларнинг санъат соҳасида ҳам янги кашфиётлар очишларига сабаб бўлган. Жумладан, улар отнинг турли хил катталиқдаги ҳайкалларини ясашган, бу ҳайкаллардан қабр тоши ўлароқ фойдаланишган, қабр тошларига, қоя тошларга, гиламларга от расмини солишган. Тадқиқотлар натижасида қабр тошли от ҳайкаллари Хазар денгизидан Қизил денгиз бўйларигача бўлган орадаги Озарбойжон, Тифлис (Гуржистон), Равон (Арманистон), Шарқий Онадўлида учраганлиги аниқланган. От ҳайкалларининг кўпинча қўчқор ҳайкали билан учраши аждодларимизда бу ҳайвоннинг ҳам от каби эъзозланганлиги, муқаддаслаштирилганлигидан далолат беради.

От ҳайкаллари Ўрта Осиёда олиб борилган қазилма ишлари давомида ҳам чиққан. Қадимги Варахша кўргонидан эгар-жабдуқлари жуда нафислик билан ишланган от ҳайкали ва бир маҳлуқнинг панжалари ботирилган ҳолдаги от боши ҳайкали, яна шу жойдан топилган қанотли от ҳайкали (Бу ҳайкал ҳозирда Ўзбекистон Санъат музейида сақланмоқда – А.Т.), Тупроққалъадан чиққан от ҳайкалчалари шулар жумласидандир. Бухородаги Мир-Араб мадрасаси ёнида ўтказилган археологик тадқиқотлар давомида қанотли от ҳайкалларига дуч келинган. Бу ҳайкаллар милоднинг III-IV асрларига оид деб тахмин қилинмоқда.

Қоятошларга от расмини чизиш ҳам қадимий туркийлардаги ўзига хос анъана ҳисобланган. Бундай асарларга кўпроқ Кўк – турк даврида яшаган аждодларимиз аҳамият беришган. Бу расмларнинг айримларида отли ўйинлар, от билан овга чиқиши, от овлаш саҳналари ўз ифодасини топса, баъзиларида от тарбиясига оид лавҳалар тасвирланади. Баъзи расмларда отнинг аравали ҳолатда чизилиши эса аждодларимизнинг анча йиллар олдин отга аравани қўшиб ҳайдаў маҳоратига соҳиб бўлганлигини

кўрсатади.

Қоя тошлардаги от расмларини жумхуриятимизнинг Навоий вилояти Нурота туман, Зулқарнайн қишлоғи яқинида ҳам учратдик. Фотих Искандар Зулқарнайн номи билан аталаётган бу қишлоқ ёнида ясси харсанг тошда икки от тасвири бор. Бу отлардан бирисининг боши кесилган ҳолда. Диққатни жалб қиласиган томони шундаки, бу расмлар тошга ўйиб ё қабартилиб ишланмаган, балки тошнинг ички томонидан кўринмоқда. Туб жой аҳолисидаги кекса кишиларнинг айтишича, бу тасвир улар “эсларини таниганларидан бери” мавжуд ва тошнинг йиллар ўтиб “гуллаши” мумкинлигига қарамай расмлар ўз ҳолатини умуман ўзгартирган.

От билан боғлиқ топилмаган ичида Иссиккўлдаги қоя тошга бирбирига қаратиб қабартилган ҳолда ишланган икки от фигураси тадқиқотчиларда қизиқиш уйғотган. Сабаби, бу отларнинг бошида эчки шохининг борлигидир. Бу хусусни ойдинлатиш учун аждодларимизнинг қадим тарихига мурожаат қилиш керак бўлади. Баъзи туркий қавмлар эчкини муқаддаслаштиришган, уни ўнгун сифатида қабул қилишган. Эчкини ўзларига ҳомий деб билишган. “Гўрўғли” достонининг туркман версиясида бўлажак қаҳрамон – гўрдаги чақалоқни (Гўрўғлини) эчки вояга етказади. Гўрўғлининг Ғиротга “эчки сутин бердим мен, доим сакраб юрсин деб” дейиши ҳам бежиз эмас. Туркий қабилалардан гачинлар эчки инсонни ёмон руҳлардан асрashingа ишонишган. Шу сабабдан янги туғилган чақалоқнинг кўксига эчки терисини босишган. Бундай ишонч излари олтойда ҳам мавжуд бўлиб, улар боланинг бешигига тоғ эчкисининг жунини (сумујуну) осишади. Туркманлар ҳам эчки шохини муқаддас деб билишган. Отда эчки шохининг бўлиши маълум ҳудудда яшаётган бир неча қабилаларнинг, бинобарин, бу қабила ўнгунларининг бирлашганлиги билан ҳам изоҳланиши мумкин.

От билан боғлиқ топилмаларда думи боғланган от тасвирларининг учраши ҳам кузатилди. Жумладан, Кония шаҳрида Коратой музейида Онадўли салжуқийларига оид, тошга қабартилиб ишланган отнинг думи боғланган. Айни тасвир Пазириқ қўрғонидан чиққан, олтойларга оид нодир топилма – гиламдаги отлар, Самарқанддаги Афросиёб қўрғони деворларидаги расмлар ва қадимий Туркистондан топилиб Англиядаги машҳур Бритиш музейига (!) олиб кетилган, ҳозирда шу музейнинг “Oxus – Iaxartes” коллекциясида сақланаётган, олтин ва кумушдан ясалган бир фидирақдаги от тасвирларида, Осиё хунлари билан Хитойлар ўртасидаги олиб борилган уруш саҳнасини тасвирлаган хитой тош ўймалардаги расмларда ҳам учрайди.

От думини кесиш, боғлаш ёки ўриш турк қавмларида мотам аломати ҳисобланган. Туркий қавмларда киши ўлганда, отнинг думини кесишган.

Бундай отни қурбонлик қилиш одати ҳам бўлган. “Китоби Дада Қўрқут”да бош қаҳрамон Бомси Байрак ўлгач, унинг севимли Оқ Бўз отининг думини кесишиади: “Киза бенгзар кызы гелини аг чиқарды, кара гыйды. Аг Боз атининг куйругини кесдилар. Кырк элли йигит кара гейуб гўк шариндылар. Казан Биге гелдилар. Шариқыларин йире урдулар, Бейрик дийу чок агладилар”.

“Девону луготит турк”даги бир жанр тасвирида турк аскарларининг жангта кирмасдан олдин отларининг думларини боғлаганлиги айтилади:
От думини боғладик
Тангрига ҳам чоғладик.
Узанги оёқладик,

Алдаб гўё чекиндик (Қиёс қилинг: “Эртан йилқи бозорига бориб Ғиркўк отнинг думини туғиб бозорга солайин...”). (“Далли” достонидан).
Баҳоуддин Ўгалнинг қуидаги фикрлари масалани анча ойдинлаштирумокда:

“От думи эски турк ишонч ва анъаналарида муҳим ўрин эгаллаган. От йигитнинг иккинчи никоҳли хотини ҳисобланарди. Шу сабабдан, урушга кетаётган йигитлар отларнинг думларини кесар ва найзаларнинг учига боғлашар эди. Думи кесилган от тул саналарди. Шундай қилиб, жангта чиққан аскарлар шарафли ўлим топишга тайёр туришар эди” (Қўрсатилган асар 235).

“Алпомиши” достонида Қоражонга қараб “келар мўлжалингни айтгин” деб сўраб турган Алпомишига Қоражон:

Қирқ беш кунда Бобохондан келмасам,
Ҳам отингни, ҳам дўстингни ўлди де.
Якка мозор бўлиб шунда қолди де,
Хар бир ишни толеимдан кўраман
Қўлимдан келганча хизмат қиласман,
Ярашиққа от кокилин ўрарман...

дея жавоб беради. Назаримизда, бу аждодларимиз тарихида умумий-муштарак ишонч мавжуд бўлганининг ҳалқ оғзаки ижодидаги далилидир.

“Малла савдогар” достонида Аваз пирлар ўргатган дуони бир сиқим тупроққа дам солиб Ғиротнинг устига сочиб, “юрай деса тўрт оёғи толадиган, пойга қиласа пиёдадан қоладиган” отга айланган Ғиротнинг думини туюди. Бизнингча, бу ўринда от думининг туйилиши – Авазнинг ночор ахволда эканлигини ифодалаш учундир (Нурали. Достонлар 1989:345).

“Малла савдогар” достонидаги қуидаги лавҳани эса отабоболаримизнинг от думи ҳақидаги қадимги тасавурларининг достондаги ифодаси дейиш мумкин: “Ана шу вақти Авазхон кулоҳини босиб кийган, отнинг думини туйган (таъкид биздан – А.Т.) узангига оёқ тортиб, талқин

айтиб талаб солиб турган чоғи эди” (Малла савдогар. 1988:345).

“Алпомиш” достонининг Сайдмурод Паноҳ ўғли вариантида (Т.Мирзаев 1971) “отин йўртган ёл – қўйруғин ўради” дейиладики, бизнингча, бу ота-боболаримизга хос шиҷоат, эзгу мақсад йўлидаги қатъиятлик, жасурлик каби фазилатларни ифодалайди.

Шу ўринда қадимги туркийларда от думининг ҳам муқаддаслаштирилганлиги, бу давлат, миллат рамзини ифодалаганлиги, ҳатто туғлар ҳам от ёлидан тайёрлангани, Самарқанддаги Гўри Амир мақбарасида от думи осилган туғ сақланаётганлигини қайд этиб ўтмоқчимиз. Бухорода Нақшбанд зиёратгоҳига келганлар қўзларига туғ ёлларини суриб, ўзларининг ниятлари ижобат бўлишини тилаганлар. Айrim ҳудудларда ўtkазилган човгон ўйинларида, мусобақа иштирокчиларининг отларининг думини боғлаши от думини кесиши одатининг кейинчалик ўзгарган шакли деб ҳисоблаш мумкин.

Туркийларда отга муносабатнинг илдизлари хусусидаги талқинларимиз от образининг ҳалқ оғзаки ижодида ўз бадиий ифодасини топиши учун нақадар ҳаётий асосга эгалигини яққол қўрсатади.

Қаҳрамонлик типидаги ўзбек ҳалқ достонларида тасвиранган от образи ҳалқимизнинг мифик дунёқараси, ишонч-эътиқодларини ўзида мужассам этган образ сифатида характерлидир. Бинобарин, аждодларимизнинг от билан боғлиқ тотем тасаввурлари ҳалқ оғзаки ижодидаги от образига кўчиб ўтганлиги маълум бўлди. Қаҳрамон отининг достонларда сув, юлдуз – кўк билан боғлиқ ҳолда тасвирланиши фикримизни далиллайди.

От образига мифик белгиларнинг кириб қолиши тарихий ва ҳаётий асосларга эга. От образининг бу жиҳатини ёритиш учун ана шу тарихий вва ҳаётий асосларини ташкил қилувчи маълумотлардан хабардор бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида қайд этилган хulosалар ҳалқ достонларида от образининг атрофлича ёритилиши учун ҳаётий заминни туғдирган. Шунинг учун ҳам ўзбек ҳалқ эпик ижодида, хусусан, достонларда от образининг бадиий жиҳатдан мукаммал тасвирланиши ҳалқ сўз санъатида қонуний ўрин эгаллагандир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Зарифов Ҳ.Т. Жанговар отнинг қадимий асосларига доир // Ўзбек ҳалқ оғзаки ижоди бўйича тадқиқотлар. 4-китоб Пўлкан шоир. – Тошкент: Фан, 1976. – Б. 65-88.
2. Иброҳим Кафесўғли. Турк миллий маданияти. – Истанбул: Эжадад, 1988. – 208 б.
3. Хитой манбаларига кўра Ўрта Осиёда от жинслари. – Анқара. “Улку” журнали, 1975. – № 2.

4. Древные авторы о Средней Азии. – Ташкент, 1940. – С. 75.
5. Гўрўғлининг туғилиши / Айтувчи Муҳаммадқул Жомрот ўғли Пўлкан / Нашрга тайёрловчи М.Муродов. – Тошкент: F.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1967. – 328 б.
6. Усмон Турон. Туркий халқлар мафкураси. – Тошкент: Чўлпон, 1995. – 160 б.
7. Ўгал Б. Турк мифологияси. – Анқара: Маданият вазирлиги нашриёти, 1991. – 620 б.
8. Ўгал Б. Турк маданияти тарихига кириш: Туркийларда қишлоқ ва шаҳар ҳаёти. 1-жилд. – Анқара: Мадарият вазирлиги нашриёти, 1982. – 495 б.
9. Қадимги ҳикматлар. – Тошкент, 1987. – Б. 28.
10. Жирмунский В.М., Зарифов Ҳ.Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: Гослитиздат, 1947. – 520 с.
11. Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит турк. Индекс-луғат / F.Абдураҳмонов ва С.Муталлибовлар иштироки ва таҳрири остида. – Тошкент: Фан, 1967. – 546 б.
12. Абдуллаев Р. Асл тулпорлар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1995. – 10 март.
13. Ахмедов Б. Ўзбек улуси. – Тошкент: Ёзувчи, 1992. – 112 б.
14. Гўрўғлининг майдонга чиқиши / турк халқ достони. – Истанбул, 1990. – Б. 48.
15. Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит турк. – Тошкент: Фан, 1965. – 320 б.
16. Мифы народов мира. – М.: Сов. Энцикл., 1980. – 671 с.
17. Закий Валидий Тўғон. Ўғиз достони / Тарж. ва таҳлил. – Истанбул: T.D.B., 1972. – 250 б.
18. Абулғозий Баҳодирхон. Шажарайи тарокима. – Тошкент, 1995. – Б. 19.
19. J.de Plano Carpini. Cesichte Der Mongolen und Reisbericht, 1245-1247. Leipzig, 1930. 81-82.
20. Щелигран Халидов. Русский язык / Книга для чтения. – Ташкент, 1967. – С. 71; Яна қаранг: Народы мира. Этнографические очерки под общей редакции члена корреспондента АН СССР С.П.Толстова. Народы Сибири. Под редакции М.Г.Левина. – М.: Изд. АН СССР, 1956. – С. 152, 212, 272, 289.
21. Нурали. Достонлар (Таҳрир ҳайъати: К.Имомов ва бошқалар). – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – Б. 345.
22. Малла савдогар // Нурали. Достон, айтувчи: Жўра Эшмирза ўғли. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – 83 б.